

**Техник кўриқдан ўтказиш ва лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**

**№ 3/22 “ПСД” - сонли шартнома**

Бухоро шаҳри

18 апрель 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «**NAVOIY ARXSTROY PROEKT**» МСНJ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Н.Рахматов иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 14 апрелдаги № 15777-сонли йифилиш баённомасига кўра **«Шоғиркон туман “Кургони Вардонзе” МФЙ 7-мактаб (624 укув уринли биносини мукаммал таъмирлаш)»** обьекти бўйича техник кўриқдан ўтказиш ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёrlарга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

**2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажарини, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир хафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

**3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан З нусхада лойиҳа-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор килиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиги билан – **52 800 000 (Эллик икки миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга хақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбириятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган холда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган холатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўргасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжиниеринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/p: 3018218 60064017092100075033

ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухоро вилоят Газначилик бошқармаси

X/p: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО 00014 ИНН 201122919

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«NAVOIY ARXSTROY PROEKT » МСН

Манзил: Бухоро шаҳар,

И.Муминов кучаси, 33-уй

Тел. 99 707 27 72

X/p 20208000404922799001

Банк номи: «Асака банк»

Вилоят бўлими

МФО 00120 ИНН 302038528

ОКОНХ 66000

Компания раҳбари:

С.Б.Жаллиев  
(мухр, имзо)

Ф.Б.Жаллиев

Хукукшунос: Д.Соивов  
Лицензия ЮК № 006116

Д.Соивов

И.Б.:

R.Хайитов

Директор Н.Рахматов  
(мухр, имзо)

Хукукшунос: Н.Рахматов

2022 йил 18 апрелдаги  
№ 3/22 “ПСД” - сонли шартномага 1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
<b>«Шофирикон туман “Кургони Вардонзе” МФЙ 7-мактаб (624 укув уринли биносини мукаммал таъмирлаш»</b> обьекти бўйича техник кўриқдан ўтказиш ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.	19.04.2022 й.	23.04.2022 й.

**«БУЮРТМАЧИ»**

**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
Хизмат инжиниринг компанияси



Ф.Жаллиев

**«NAVOIY ARXSTROY PROEKT» MCHJ**



Н.Рахматов



2022 йил 18 апрелдаги  
№ 3/22 “ПСД” - сонли шартномага 2-илова

Шартнома баҳосининг келишув  
**БАЁННОМАСИ**

Биз қўйида имзо қўювчилар: «Шоғиркон туман “Кургони Вардонзе” МФЙ 7-мактаб (624 укув уринли биносини мукаммал таъмирлаш» обьекти бўйича техник кўрикдан ўтказиш ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 18 апрелдаги № 3/22 “ПСД” - сонли шартнома баҳосини кўщимча қиймат солиги билан – 52 800 000 (Эллик икки миллион сakkiz юз минг) сўмга тент деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси



Ф.Жаллиев

**«NAVOIY ARXSTROY PROEKT» MCHJ**



Н.Рахматов

2022 йил 15 апрелдаги  
№ 3/22 “ПСД” - сонли шартномага З-илова

## ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиха ишларининг номи: «Шофиркон туман “Кургони Вардонзе” МФЙ 7-мактаб (624 укув уринли биносини мукаммал таъмирлаш)» обьекти бўйича техник кўрикдан ўтказиш ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.


Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: « NAVOIY ARXSTROY PROEKT » MCHJ

Объектнинг номи	Хисоблаш	Нархнинг умумий хисоби
<p><u>«Шофиркон туман “Кургони Вардонзе” МФЙ 7-мактаб (624 укув уринли биносини мукаммал таъмирлаш)»</u> обьекти бўйича техник кўрикдан ўтказиш ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиха-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўгрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан обьектнинг мураккаблик 2 тоифасига киради. Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртacha 3,95 % ни ташкил этади.</p> <p>Хисоблаш учун 2,188 % кабул киласиз.</p>	<p>2 052 750 000x 2,188 % = 44 880 000</p>
<p><u>2 052 750 000</u> сўм ККСиз</p>		44 880 000
<p><u>ККС 15 %</u></p>		7 920 000
<p><u>Жами:</u></p>		52 800 000

Нархи сўз билан: 52 800 000 (Эллик икки миллион саккиз юз минг) сўм ККС билан.

« NAVOIY ARXSTROY PROEKT » MCHJ  
директори:



Н.Рахматов.